

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил “16”санче даги
141-сон буйруғига
11-ИЛОВА

“Йилнинг энг истеъоддли ёш шоири” республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Йилнинг энг истеъоддли ёш шоири” республика кўрик-танловини (бундан бўён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танлов ҳар йили умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида республика миқёсида ўтказилади.
2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг мақсади:

китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиши, уларда мустакил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириши, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириши;

ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётини тизимли тарғиб қилиш орқали уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириши.

кўрик-танлов ўқувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириши мақсадида ташкил этилади.

4. Кўрик-танловнинг вазифаси ўқувчилар ўртасида бадиий адабиёт мутолаасига бўлган қизиқишлигини ошириш орқали кекса авлодга хурмат туйғуларини шакллантиришдан иборат.

3-боб. Кўрик-танловни ўтказиши тартиби

5. Кўрик-танлов ҳудудий ахборот-ресурс марказлари масъуллигига март-май ойлари давомида умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-10-синф ўқувчилари ўртасида қуйидаги тўрт босқичда (мактаб, туман (шаҳар), ҳудуд, республика) ўтказилади:

а) биринчи (мактаб) босқичда - муассасадаги барча 5-10-синф ўқувчилари иштирокида 20 апрелдан 10 майга қадар мактаб директори, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, “Она тили ва адабиёт” фани ўқитувчиси ва кутубхоначиidan иборат ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади. Унда ўқувчилар энг камидаги 100 донадан кам бўлмаган ўзлари ёзган шеърлар тўпламини тақдим этишлари лозим бўлади.

Шеърлар тўпламидан энг яхши деб топилган шеърларни (ҳар бир мактабдан 3 нафар ўқувчининг ишини) мактаб раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда **15 майга** қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этилади.

б) иккинчи (туман (шаҳар) босқичда - барча умумий ўрта таълим муассасаларидан қабул қилиб олинган шеърлар тўпламини туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказларида тузилган ишчи гуруҳи томонидан 25 майга қадар кўриб чиқилиб, баҳоланади ва туман (шаҳар) миқёсида 1-, 2-, 3- ўринлар (5-10-синфларда алоҳида, жами 18 та ўрин) белгиланади. Голиб ўқувчилар ўқитувчилари билан биргаликда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига таклиф этилган ҳолда эсдалик совгалар ва дипломлар билан тақдирланади ва голиблар туман миқёсидаги ОАВда ҳам эълон қилинади.

Туман (шаҳар) миқёсида 5-10-синф ўқувчилари ўртасида 1-ўринни эгаллаган **6 нафар** ўқувчининг шеърлар тўплами туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири томонидан тасдиқланган ҳолда **1 июнга** қадар ҳудудий ахборот-ресурс марказига тақдим этилади.

в) учинчи (худудий) босқичда - барча туман (шаҳар)лардан (5-10-синф ўқувчиларидан жами 6 нафар голиб) юборилган шеърий тўпламлар ҳудудий ахборот-ресурс марказида тузилган ишчи гуруҳи томонидан 15 июнга қадар кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Энг яхши деб топилган шеърлар тўплами (5-10-синф ўқувчиларидан жами 1 нафар голиб) вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи тасдиқланган ҳолда **20 июнга** қадар Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

г) тўртичи (республика) босқичида - ҳар бир ҳудуддан 1 нафар голиб ўқувчилар иштирок этади. Республика босқичи август ойининг биринчи 10 кунлигига ўтказилади.

4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

6. Шеърлар тўплами қуйидаги 4 та йўналишда бўлиши талаб этилади:

Ватан ҳақида;

Муҳаббат ва эзгулик ҳақида;

Табият ва атроф олам ҳақида;

Ижтимоий ҳаёт ҳақида.

Кўрик-танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан қуидаги шартлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланади:

а) ҳудудий босқичларда баҳолаш тартиби:

шеърлар тўпламида шеърларнинг 100 донадан кам бўлмаганлиги учун – 20 баллгача;

шеърларни ёзища сўз бойлигининг кенглиги - 10 баллгача;

шеърларнинг маъно жиҳатдан таъсирчанлиги - 30 баллгача;

шеърларининг газеталарда нашр этилганлиги – 20 баллгача;

ўкувчининг китобхонлик ва шеъриятга оид кўрик-танлов ва тадбирларда фаол қатнашганлиги - 10 баллгача;

шеърларнинг мазмунига тарихий, адабий-бадиий, публицистик ва бошқа материалларнинг сингдирилганлиги - 10 баллгача.

б) Республика босқичида иштирокчилар 2 та шарт бўйича қуидаги тартибда баҳоланади:

1-шарт: Ҳудудларда ўтказилган танловда тақдим этилган шеърлар тўплами белгиланган Низом асосида бўлганлиги учун 50-баллгача баҳоланади. Ҳакамлар ҳайъатига баҳолаши учун 30 дақиқа вақт ажратилади.

2-шарт: Республика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланган 4 та мавзуда (ҳар бир шеър 8 қатордан кам бўлмаслиги лозим) ўқувчилар ижодий томондан шеърлар ёзишади ва шеърларни ёзиш учун 60 дақиқа вақт ажратилади. Ушбу шарт бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан 50 баллгача баҳоланади.

Иштирокчи ўзи ёзган шеърларидан биттасини танлаб, ўқиб беради.

5-боб. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

7. Ташкилий қўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ҳамда қуидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

а) 1 та 1-ўрин, 1 та 2-ўрин, 1 та 3-ўрин;

б) қуидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

“Энг яхши Ватан ҳақида ёзилган шеър муаллифи”;

“Йилнинг энг ёш шоир ёки шоираси”;

Кўрик-танловнинг қолган барча иштирокчиларига Халқ таълими вазирлигининг “Кўрик-танловнинг фаол иштирокчиси” дипломи топширилади.

6-боб. Якуний қоидалар

8. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиши учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

9. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

10. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.